



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 16 - iyul

69 -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Қўшақов Йўлдошнинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдашев Санъатбек Худайбердиевичнинг мархум бобоси Қўшақов Йўлдошнинг “Саҳоват” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 14 январдаги ШЯ-Ю-15-сонли аризасини, “Саҳоват” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 28 октябрдаги 3740-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 78,2 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 108,16 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 186,36 квадрат метр, қурилиш ости майдони 307,25 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Қўшақов Йўлдошга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Қўшақов Йўлдошнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш хуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Қўшақов Йўлдошнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев